# ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

***Янгиланиш ва яшариш байрами арафасида туманимизда истиқомат қилаётган 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эҳтиром кўрсатилди.***

Айни кунларда туманимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – Аҳмаджон Тожибоев, Абдулҳай Азизов ва Мирзааҳмад Сулаймоновлар сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.





Туман бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари умумхалқ байрами арафасида Иккинчи жаҳон

уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб, уларнинг хонадонларида ободонлаштириш ишларини олиб боришди ва  кўчатлар экишди.



Нуроний-фахрийларимиз кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришди.

**Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-03-19 05:50:57